

Саудия Арабистони бир миллиард зиёратчини қабул қилмоқчи



14:37 / 20.07.2023 1949

Саудия Арабистони янги ҳижрий йил учун улкан стратегик режани тақдим этди. Икки муқаддас масжид ишлари бўйича бошқарма бошлиғи шайх Абдурахмон ас-Судайс зиёратгоҳлар янги йилда бир миллиард зиёратчини қабул қилишга тайёрлигини маълум қилди. Бу ҳақда gulfnews.com манбаси хабар берди.

Ушбу мисли кўрилмаган стратегик режани амалга ошириш учун Саудия Арабистони расмийлари барча технологик инновациялар ва бошқарувнинг энг илғор ёндашувларидан фойдаланиши керак бўлади, деб ёзилади хабарда.

Ас-Судайснинг сўзларига кўра, режа аёллар ва болаларнинг Макка ва Мадинанинг муқаддас жойларида бўлишлари учун шароитларни яхшилашни кўзда тутди.